

Автомобиль йўллари қўмитасида — Ўқув – семинар бўлиб ўтди



Айни вақтда, Автомобиль йўллари қўмитасида, соҳа ходимлари учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижроси юзасидан "Автомобиль йўллари ва сунъий иншоотларида зилзилабардошлик талаблари ва зилзиланинг оқибатларини ўрганиш, унинг заарини камайтириш йўллари" мавзуида ўқув-амалий машғулот семинари бўлиб ўтмоқда.

Семинарда Автомобиль йўллари қўмитасининг масъул ходимлари, йўл ташкилотлари ва корхоналари мутахассислари иштирок этишди. Соҳа ходимларига зилзила ва унинг оқибатлари, унинг келиб чиқиши сабаблари хақида маълумот бериш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси F.O.Мавлонов номидаги сейсмология институти мутахассиси М.Мирзаев, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси М.Т.Ўразбоев номидаги Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти мутахассиси Н.А.Нишоновлар хамда Тошкент шаҳар Фавқулотда вазиятлар бошқармаси мутахассислари тақлиф этилган.



Тадбирда соҳа мутахассислари томонидан сейсмик хавфсизлик бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонинг мазмун-моҳияти ҳамда зилзила ва унинг келиб чиқиши сабаблари тўғрисидаги илмий қарашлар, зилзила таърифи, гипоцентр, эпицентр, зилзиланинг чуқурлиги, ернинг ички тузилиши ва Ўзбекистон худуди учун сейсмик хавф хақидаги тушунчалар ҳамда 1966 йил 26 апрель куни Тошкент шаҳрида қайд этилган 8 баллик зилзила хақида маълумотлар берилди.



Шунингдек, семинарда фуқароларни зилзиладан олдин, зилзила вақтида ва зилзиладан кейин түғри ҳаракатланишга тайёрлаш ҳақида тадбир иштирокчилариға ўзларни қизиқтирган саволларга мутахассислар жавоб беришди.

Автомобиль йўллари қўмитаси

Ахборот хизмати